

Мақсад – сұғурта хизмати сифатини ошириш

Жорий йилнинг 22 февраль куни Жиззах шаҳар Давлат солиқ инспекцияси биносида “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш тұғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни юзасидан семинар мажлиси ўтказилди.

Ушбу семинар-йиғилишда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сұғурта компанияси Жиззах вилояти филиали директори – Ю.Пармонов, Жиззах вилоят ҳокимлиги, Темир йўлларида юк ва йўловчилар ташиш, Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Жиззах вилоят бўлими бошлиги, «Azia Insurance» СК, «Ўзагросуғурта» АЖ, «Кафолат сұғурта компанияси» АЖ, «Капитал сұғурта» СК, «Алском» СК, «Универсал сұғурта» СК, «Ишонч» сұғурта компаниялари вакиллари ҳамда вилоятда йўловчи ташиш билан шуғулланаётган транспорт корхоналари масъул ходимлари иштирок этилди.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сұғурта компанияси Жиззах вилояти филиали директории Ю.Пармонов сўзга чиқиб, ҳозирги даврда мамлакатимизда барча соҳалар каби сұғурта соҳаси ҳам жадал ривожланиб, Ўзбекистон сұғурта бозорида бугунги кунда реал иқтисодиётимиздаги ўсиш анъаналарига монанд равишда кўрсаткичлар сифат ҳам миқдор жиҳатидан ўсиб, сұғурта бюджетдан ташқари бўлган ва энг оғир, кутилмаган ҳолатларда ҳалқ хўжалигига, хўжалик юритувчи субъектларга ва жисмоний шахсларга молиявий кўмак бўлувчи тизим сифатида миллий иқтисодиётимизда ўз ўрнини муҳим эгаллаб бораётганлигини таъкидлади.

Худди шундай семинарлардан бири 23 феврал куни, “Kafolat сұғурта компанияси” АЖ мажбурий сұғурта департаменти бош менеджери ҳамда вилоятда фаолият кўрсатаётган сұғурта компаниялари масъул ходимлари, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Самарқанд вилоят худудий бўлими ходимлари, вилоятдаги шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчи ташувчи автокорхона раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш” тұғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан ўтказилди.

Семинарда “Kafolat сұғурта компанияси” АЖ мажбурий сұғурта департаменти бош менеджери Д.Үринов, сўзга чиқиб, сұғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган сұғурта мукофотларидан, шунингдек сұғурталовчининг бошқа маблағларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (сұғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга сұғурта шартномасига мувофиқ сұғурта товонини (сұғурта пулинини) тўлаш йўли билан

уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилиши, мамлакатимизда фуқаролар томонидан бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарарларнинг ўрнини қопланишини кафолатлаш мақсадида мажбурий сұғурта амалиётга жорий этилганлиги түғрисида тушунтириб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 майдаги «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш түғрисида»ги 386-сонли Қонунининг мақсади ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги, ташувчи йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарап етказганлик учун ўз фуқаролик жавобгарлигини ташиб бўйича хизматлар кўрсатиш бошлангунига қадар, ушбу Қонунда белгиланган шартлар асосида ва тартибда сұғурталashi шартлиги, агар ташувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига мувофиқ ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш юзасидан белгиланган сұғурта пулидан кам бўлмаган микдорда сұғурталанган бўлса, уларга нисбатан ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини сұғурта қилиш мажбурияти татбик этилмаслиги түғрисида тушунтириб ўтди.

Йиғилишда қатнашган «Зиадин авто сардор» МЧЖ раҳбари Н.Ахназаров, «Алишоҳ транс сервис» МЧЖ раҳбари А.Рахимов, «Баҳора автойўловчи транс» МЧЖ раҳбари А.Эргашев, “Гаппар транс” МЧЖ раҳбари С.Жўракулов ҳамда «Диамонд оригинал» МЧЖ раҳбари А.Ибодовлар томонидан сұғурта муддатини 1 йиллик эмас, балки лицензия варақаси муддатигача бериш, ҳайдовчига етказилган зарап бўйича хеч қандай имтиёз йўқлиги ҳамда транспорт воситаси сұғурта қилингандан кейин иккинчи марта қандай имтиёзлар берилиши мумкин деган саволларига “Kafolat сұғурта компанияси” АЖ мажбурий сұғурта департаменти бош менеджери Д.Ўринов томонидан тўлиқ жавоблар берилди.

Кун тартибидаги барча масалалар бўйича семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга ижобий ва тўлақонли жавоблар олишди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати